



**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
ХИЗМАТИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ФАОЛИЯТИНИ
ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ
ХУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Маматкулов Талъят Абдуманипович

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура
тингловчиси**

ARTICLE INFO

Received: 24th January 2024

Accepted: 30th January 2024

Online: 31th January 2024

KEY WORDS

Ички ишлар органлари,
кадрлар тайёрлаш,
жамоатчилик вакиллари.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги хизмати учун кадрлар тайёрлаш фаолиятини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатлар назарий таҳлил қилинган.

Жамиятда қонунийлик ва хуқуқий-тартибот фуқароларнинг қонуний хатти-ҳаракати билан барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг қонунларга риоя қилишлари улардан тўғри фойдаланишлари билан ўрнатилади. Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталики қарор топтириш эса, инсон хуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, хуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит хуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Бугунги кунда ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, хусусан кадрлар билан ишлаш фаолиятини бошқаришнинг янги механизmlари ва амалиётини кенг жорий этиш мақсадида 4 та қонун, 30 дан ортиқ Президент қарор-фармонлари ҳамда 150 дан ортиқ бошқа қонуности норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди.

Мазкур хуқуқий асосларга таяниб, кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган ва улар зиммасига юқлатилган вазифаларни самарали бажаришга тўсиқ бўлаётган жиддий камчилик ва муаммолар чуқур танқидий таҳлил



EURASIAN JOURNAL OF TECHNOLOGY AND INNOVATION

Innovative Academy Research Support Center

Open access journal

www.in-academy.uz

қилиниб, уларни бартараф этиш мақсадида тизимнинг барча фаолият йўналишларида туб ислоҳотлар амалга оширила бошланди.

Бундан асосий кўзланган мақсад эса, Президентимиз таъкидлаганидек, “авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур”¹

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатда ва унинг маъмурий худудий бирликларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини самарали таъминлаш мақсадида тизими чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ килишга оид 100 дан ортиқ норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди. Жумладан, ички ишлар органлари самарали фаолият олиб бориши учун бир қатор меъёрий-хуқуқий хужжатлар имзолади. Бунинг яққол мисоли сифатида 2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни² қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солишдан иборат бўлиб, унда қонунийлик, ягоналиқ, фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда мазкур хуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни хурмат қилиш, очиқлик ва шаффофлик ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу билан бир қаторда қонунда ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, шунингдек хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлашдан иборат эканлиги белгилаб берилди.

Қонуннинг аҳамиятли жиҳатларидан яна бири шундаки, унда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва принциплари талабларидан келиб чиқсан ҳолда ички ишлар органлари томонидан айrim мажбуровлор чоралари, шунингдек унинг ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллашнинг асослари ва тартиби ҳамда ходимларга нисбатан қўйиладиган талаб ва шартлар аниқ белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни³нинг 13-моддаси ички ишлар органларининг тизимига бағишлиланган бўлиб, унг кўра ички ишлар органларининг тизими Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ички

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституция қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasи // Халқ сўзи, 2017.-7 дек.

² Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 38 (746)-сон, 2016 йил 26 сентябрь.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 38 (746)-сон, 2016 йил 26 сентябрь.



ишилар бошқармалари (бўлимлари), транспортда хавфизиликни таъминлаш бошқармалари (бўлимлари), жазони ижро этиш муассасалари, ички ишилар органларининг ўта муҳим ва тоифаланган обьектлардаги бўлинмалари, шаҳарча ички ишилар бўлинмалари ва ички ишилар органларининг таянч пунктлари, шунингдек таълим ва тиббиёт муассасалари, ички ишилар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинмалар ва ташкилотлардан иборат эканлиги белгилаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишилар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрь конунининг 31-моддасида белгиланганидек, тизим учун профессионал кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишилар вазирлигининг таълим муассасалари, шунингдек бошқа таълим муассасалари томонидан амалга оширилади. Мазкур жараённи таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишилар органларининг ходимларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон қарори муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур қарор билан кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди ҳамда уларни амалга ошириш Ички ишилар вазирлиги ва унинг таълим муассасалари, хусусан, Академиянинг энг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Шунингдек, Қонуннинг 11-моддаси ички ишилар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлигига бағишлиланган бўлиб, унда ички ишилар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни, шунингдек бошқа ахборотни алмашишни амалга ошириши белгилаб ўтилган.

Унга кўра, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфизилигини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фош этишда, жиноят ишиларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишилар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ички ишилар органлари қонунийлик ва ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлаш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш вазифасини амалга оширадилар. Ўз ваколатларидаги ишилар бўйича суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадилар, тинчлик ва инсоният хавфизилигини таъминлайди. Ички ишилар органлари вазифаларини амалга оширишининг муҳимлиги ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида янада ошади.



EURASIAN JOURNAL OF TECHNOLOGY AND INNOVATION

Innovative Academy Research Support Center

Open access journal

www.in-academy.uz

Ички ишлар органлари тизимидағи амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони⁴, 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон Қарорлари⁵ асосида ички ишлар органлари фаолиятида муҳим хуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони⁶ ва мазкур Фармонга мувофиқ, 2021 йил 2 апрелда “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон Қарори⁷, 2021 йил 15 апрелда “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон Қарори⁸лари қабул қилинди.

Давлат раҳбари томонидан қабул қилинган мазкур меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштириш, уни тартибга солиш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш каби бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, Президентимизнинг ПФ-6196-сон Фармонида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишининг мутлақо янги механизмлари белгилаб берилган бўлиб, унда вазирликнинг бир қатор бошқармалари негизида департаментлар ташкил этилди. Унга мувофиқ:

- Жиноят қидирув бош бошқармаси, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармасини ўз ичига оладиган Тезкор-қидирув департаменти;
- Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.

⁵ Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.11.2017 й., 07/17/3413/0334-сон; 01.06.2018 й., 06/18/5454/1290-сон, 24.08.2018 й., 07/18/3919/1787-сон, 02.11.2018 й., 06/18/5566/2153-сон; 07.03.2019 й., 07/19/4229/2710-сон, 30.05.2019 й., 07/19/4343/3206-сон, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон; 23.04.2020 й., 06/20/5983/0490-сон; 09.10.2020 й., 07/20/4857/1357-сон; 27.01.2021 й., 06/21/6146/0065-сон; 24.02.2021 й., 06/21/6176/0156-сон, 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон, 15.04.2021 й., 07/21/5076/0347-сон, 20.05.2021 й., 06/21/6230/0473-сон

⁶ Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

⁷ Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон

⁸ Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.04.2021 й., 07/21/5076/0347-сон.



бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган Жамоат хавфсизлиги департаменти;

– Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси, Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармасини ўз ичига оладиган Транспорт ва туризм обьектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти;

– Кадрлар бош бошқармаси, Маънавий-маърифий ишлар бошқармаси, касбий тайёргарлик бошқармасини ўз ичига оладиган Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти;

– Жазони ижро этиш бош бошқармаси негизида Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаментлари ташкил этилди.

Албатта амалга оширилган ислоҳотлар негизида мазкур департаментларнинг ташкил этилиши ички ишлар органлари қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши асосий мезон сифатида эътироф этилиши билан белгиланади.

Фикримизча, қонун устуворлиги халқ ҳокимияти ва инсон ҳуқуқлари тушунчалари билан бевосита боғлиқ принципидир. Чунки халқ ҳокимияти деганда фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида бевосита ёки билвосита иштирок этиш ҳуқуқи тушунилади. Шу маънода халқ иродасининг ифодаси бўлган, фуқароларнинг парламентга сайлаб қўйган вакиллари орқали ёки ўзлари томонидан бевосита референдум орқали қабул қилинган қонунлар халқ ҳокимиятчилигининг натижаси, мажозий қилиб айтганда, меваси ҳисобланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар воситасида ҳаётга жорий этилади, аслида қонунларнинг пировард мақсади ҳам инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатdir.

Мустақиллик, Конституция, фуқаролик жамияти ва демократия тушунчалари ўртасидаги узвий алоқадорлик муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мустақил мамлакатни демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти институтларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис юртимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ демократик янгиланиш, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўли танлаб олинди. Бинобарин, бу йўлни ҳар ким ўзига хос йўсинда босиб ўтади. Ўзбекистон демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, уларга қатъий риоя этган ҳолда, айни пайтда ўз ҳаракатларини халқимизнинг тафаккури, неча минг йиллик турмуш тарзи билан мувофиқ равишда олиб бормоқда.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуий бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Шунга мос равиша ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш борасидаги ишлари ҳам яхшиланди. Энг муҳими, тизим ходимларининг халқ билан ҳамкорлиги кучайтирилди. Эл-юрт тинчлигига рахна солувчи ва жамият ривожига салбий таъсир



кўрсатувчи ҳолатларга қарши кенг жамоатчилик билан биргаликда, ҳамжиҳатликада кураш олиб боришга эътибор қаратилди.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикини қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Шу тариқа Конституциямизда жамоат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-4969-сон фармойишида⁹ қайд этилганидек, Асосий Қонунимизда белгилаб берилган қоида ҳамда тамойиллар негизида самарали миллий қонунчилик тизими, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланиб, ҳаётимизнинг барча соҳа ҳамда тармоқларида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалиб, ҳалқимизнинг онгу тафаккури тобора ўсиб бораётганидан далолатdir.

Ички ишлар органлари барча соҳавий хизматлари ва уларнинг таркибий тузилмалари фаолиятига оид амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган масъул орган ёки мансабдор шахс томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳамманинг фойдаланиши мумкин, яъни фойдаланувчининг ижтимоий мавқеи ёки бошқа ҳолатларни инобатга олган ҳолда қандайдир чекловларга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, ички ишлар органлари фаолиятига оид ахборотлар ўз вақтида, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган вақтда тақдим этилиши шарт. Ҳар қандай ҳолат ва шароитда ҳам ички ишлар органлари фаолиятига оид тақдим этилаётган ахборотлар ишончли, яъни аниқ факт ва маълумотларга асосланган ҳамда олдиндан текшириб кўрилган бўлиши керак.

Ички ишлар органлари фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги, яъни соҳавий хизмат ва уларнинг таркибий тузилмалари ўз фаолиятларини очиқ-ойдин, теварак-атрофдагиларнинг кўз олдида ҳамда улардан яширгмаган ҳолда амалга оширишлари шарт. Масалан, профилактика инспектори ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати масъул ходими аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича баённома ва бошқа ҳужжатларни ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, гувоҳлар кўз олдида, очиқ-ойдин

⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 536-модда, 37-сон, 982-модда.



уларнинг ҳуқуқларини тушунтирган ҳолда расмийлаштириши талаб қилинади. Лекин, ички ишлар органлари, хусусан тезкор-қидириув фаолиятини, айрим тергов ҳаракатларини амалга оширишда амалдаги қонун ҳужжатлари, яъни Жиноят-процессуал кодекси, Тезкор-қидириув фаолияти қонуни нормалари, шунингдек идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида чекловларга йўл қўйилади¹⁰.

Хулоса ўрнида айтиш мукинки, аҳоли осойишталигини таъминлаш ва маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамоилига асосланган тизим жорий қилиш ишлари янада жадаллаштирилди. Бугунги кунда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари жорий этилмоқда. Жумладан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчилик сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликлар олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммолар бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиляпти.

References:

¹⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2012. – №12. – 335-м.